



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтида (ҳозирги Жаҳон тиллари университети) таҳсил олди. Республика Китобсеварлар жамиятида, “Тошкент оқшоми” газетасида, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, “Тафаккур” журналида, “Ўзбекистон овози” газетасида хизмат қилди. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академиясида таҳсил олгач, 1998 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаолият юритди.

Муҳаммад Юсуф аввало халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари, қўшиқлари билан танилди, шухрат қозонди. Эл меҳрига сазовор бўлди.

Мустақилликнинг илк даврларидаёқ “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон”, дея кураш майдонига тушган, Истиқлолни баралла куйлаган, виждони уйғоқ ижодкор Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёт йўли, ижоди ва қизғин ижтимоий фаолияти ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг “Таниш тераклар” (1985), “Булбулга бир гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйқудаги қиз” (1989), “Ҳалима эна аллалари” (1989), “Ишқ кемаси” (1990), “Кўнглимда бир ёр” (1991), “Бевафо кўп экан” (1991), “Эрка кийик” (1992), “Сайланма”, “Биз бахтли бўламиз”, “Осмонимга олиб кетаман”, “Улуғимсан, Ватаним” сингари ўндан ортиқ шеърӣ тўпламлари адабиётимизнинг олтин меросига айланди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўзбек шеърӣ ва қўшиқчилигини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1996 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Муҳаммад Юсуф 2001 йил 1 августда 47 ёшида вафот этди. Унинг миллий адабиётимиз ва маданиятимизни, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтириш борасидаги хизматларини инобатга олиб, 2013 йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди ҳамда шоирнинг таваллуд айёми миллий адабиётимизнинг ҳақиқий байрами сифатида



Муҳаммад Юсуф (1954–2001)

тантана қилинди.

*“Ўзбек адиблари” (С. Мирвалиев, Р. Шокирова. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2016) китобидан.*